

# Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 13 NOYABR, JUMA, 135 (7596) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Тадбиркор Улугбек Солиев ҳам Пахтабод тумани марказида ана шундай янги тармоқни ишга туширди. Айни пайтда бу ерда Қорақалпоғистон Республикасидан тузлар олиб келиниб, қадоқланмоқда. "Роҳат" номи билан тайёрланаётган бу ош тузи нафақат вилоятда, балки, юртимизнинг бошқа жойларида ҳам харидорлигига эришади.



Кўпгина моддаларда "Маданий мерос" деган сўзлар "Моддий маданий мерос" деган атамалар билан алмаштирилиши қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг талқин қилиш имконини беради. Маданий мерос юртимизнинг археологик ва мейморий обидалари, музейларда сақланаётган юзлаб турдаги ноёб топилмалар, қадимий китоблар ҳамда қўлёзмаларни ўзида мужассам этади.



Достоннинг асосий йўналиши, ғояси — ЙЎЛ, яъни УМР ЙЎЛИ тасвирига сингдирилган ифтихор туйғуси бўлиб, хотиралар, ҳаётини, ҳаётини мулоҳазалар орқали диёримиз гўзаллигини тарафнам этиш асосий муддао эди. Бунда юртимизнинг баҳорий манзараларидан тўлқинланиб, шеърят мухлисари қалбим мавжларини изҳор этган эдим.

## "ЯНГИ АВЛОД — 2009" ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

**А**йохтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган "Янги авлод — 2009" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи бошланди.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ғолиблари иштирок этди.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, дунёқараши ва тафаккурини бойитиш, ўғил-қизларимизнинг ҳаётини андозалари даражасида таълим олиши, ҳар томонлама етув ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

Юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Янги авлод" болалар ижодиёти республика фестивали

истеъдодларнинг янги авлодини кашф этиш, уларнинг ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда таништиришда ўзига хос ўрин тутмоқда.

Фестивалнинг саралаш босқичларида юртимизнинг минглаб санъатсевар ёшлари мумтоз мусиқа, миллий чолулар ижрочилиги, хонандлик, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод каби йўналишлар бўйича ўз билим ва истеъдодини намойиш этди. Уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахт босқичида ғолиб бўлган етти юз нафари фестивалнинг янги республика босқичида иштирок этиш имконига эга бўлди.

Фестиваль доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида фестивалнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши иштирокчилари ижодида бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди. Айни пайтда кўлаб қизқарли концертлар, учрашувлар, ижодий анжуманлар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши бора-

рида болаларнинг пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейи арафасида барпо этилган мейморий ишшоотларга саяёхатлари, музейлар, театрлар, маънавият ва санъат даргоҳларига эхжурсиялари уюштирилди.

Фестиваль совриндорларини тантанали тақдирлаш ва улар иштирокидаги катта концерт 17 ноябрь кунини ўтказилади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида шу йилнинг тўққиз ойида вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йуналиши ва 2009 йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Президентимиз Ислам Каримов маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар атрафича муҳокама қилинди. Йиғилишни Хоразм вилояти ҳокими О.Олларбергенов бошқарди.

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотлар барча тармоқларда ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатда ўсиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Йилнинг тўққиз ойида Хоразм вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,3 фоизга, хусусан, қурилиш-пудрат ишлари 10,7, чакана савдо айланмаси 16, пуллик хизмат кўрсатиш 10,3 фоизга ошди.

ди. Жойларда 11 спорт иншооти, олти касб-хунар коллежи ва академик лицей фойдаланишга топширилди, 42 мактаб қайта реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди. Айни пайтда уч туманда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жой қуриш ишлари қизғин олиб боришмоқда.

Худудий инвестиция дастурига киритилган 29 лойиҳа асосида 9 миллион 846 минг АҚШ доллари миқдоридagi инвестициялар ўзлаштирилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган 28 корхона, истеъмол бозорига нооziқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи 34 субъекти ишга туширилди. Утган даврда саноат корхоналари томонидан 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридa маҳсулот экспорт қилинди.

Ийгилишда эришилаётган ижобий натижалар билан бирга иқтисодий-ижтимоий соҳада муайян камчиликларга йўл қўйилаётгани таъкидланди. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастури ижроси юзасидан Ҳазорасп, Богот туманларида белгиланган ишлар бажарилмаган. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган Урганч шаҳридаги "Урганч ўт ўриш машиналари" ва "Урганч ёғ" акциядорлик жамиятлари, "Мини аккумулятор" масъулияти чекланган жамияти, Хива туманидаги "Мавера пласт" кўшма корхонасида лойиҳалар ижроси таъминланмаган. Богот, Хонка, Янгибозор туманларида маҳсулот экспорт қилиш талаб даражасида эмас.

Аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида қишлоқларга саноатни олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини кўпайтириш, балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик каби тармоқларни ривожлантириш ҳисобига 46 минг 200 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Ийгилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини қуз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини якунлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида вилоятда 483,5 минг квадрат метр уй-жой, 65,1 километр табиий газ тармоғи барпо этил-

ди. Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳўжаев сўзга чиқди.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири.

### Куннинг муҳим воқеалари

10 ноябрь кунини муборак ҳаж зиёратига овланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Тошкент аэропортидан Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 ноябрь кунини Иқтисодиёт, саноат ва фантехника соҳаларида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Латвия ҳукуматлараро кўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда гематология ва трансфузиологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бошланди.

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Чандир қишлоғида сутни қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Бу ерда тайёрланаётган "Жасурбек Фирдавс" ёрлиқли, бежирим қадоқланган қаймоқ, сметана, пишлок, творог каби сифатли маҳсулотлар савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

### Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлимининг марказий кўргазмалар залида "Давр шуъласи" деб номланган республика рассомлари кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон Бадиий академиясининг медалларига сазовор бўлган рассомларнинг сараланган 46 асари намойиш этилди.

### РАССОМЛАР МЕҲНАТИГА МУНОСИБ БАҲО

— Беш нафар рассомимиз олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлди, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлимининг илмий котиби Гулiston Турдимуратова. — Жумладан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози Женис Лепесов ва "Шуҳрат" медалига соҳиб Сарсенбой Байбосинов олтин, Базарбой Серекеев, Барликбой Айтмуродов ва Василий Джабаров кумуш медал билан тақдирланди.

### Самарқанд Вилояти

Самарқандда "Қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг иқтисодлаштирилган кўргазмаси" бўлиб ўтди.

Кўргазмадан жой олган "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар иштирокчиларга манзур бўлди.

Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат ва замонавийлик борасида катнашчиларда катта таассурот қолдирди. Шу боисдан ҳам улар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш истагида

### Қашқадарё Вилояти

## ЧЕККА ҚИШЛОҚДА КЎЧМА АЛОҚА БЎЛИМИ

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги сифат даражасига кўтариш мақсадида чекка ҳудудлардаги аҳоли яшаш манзилларини анъанавий ва замонавий хизматлар билан қамраб олган ҳолда кўчма почта бўлимларини ташкил этиш белгиланган.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамиятига қарашли Қашқадарё филиали таркибидagi Шаҳрисабз ва Косон алоқа тармоқларида иккита кўчма алоқа бўлими ташкил этилди. Филлиал тизимида кунлик почта алмашувини яхшилаш, почта жўнатишларини белгиланган муддатларида етказиб

бериш мақсадида сотиб олинган "Дамас" русумли автомобиль сони ўн учтага етказилди.

Вилоятнинг барча туман почта алоқа тармоқлари ҳамда "Қарши почта" ишлаб чиқариш участкасига қарашли алоқа бўлимларида электрон пул жўнатишлари йўлга қўйилди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

### Сурғарё Вилояти

## ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА

Янгиер шаҳридаги Хитой ва Туркия технологиялари билан жиҳозланган "Кармена-Янтекс" Ўзбекистон-Россия кўшма корхонасида кунига 5 минг погонметр экспортбоп мато тўкиб чиқаришмоқда.

Цехлар қуввати оширилиб, бутун қуч сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилаётганлиги учун ҳам корхона бугунгача 190 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни Россияга экспорт қилди. 1 миллиард 196 миллион сўмлик маҳсулот эса ички бозорларимизга чиқарилди.

Кўшма корхонада энг асосийси, хомашё — тайёр калава таъминоти ижобий ҳал этилган. Хоразмдаги "Муруват-Текс", "Сарруна-Текс" Ўзбекистон-Швеция кўшма корхоналари билан муштаҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлиги боис хомашё таъминотида зулишлар бўлмапти. Яна ҳам қувончлиси, 100 нафар ўғил-қиз учун ишчи ўрни яратилган.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

## ЛОЙИҲАЛАРДАН АМАЛИЙ ИШЛАРГА

шартнома тузган ташкилотлар кўпчилигини ташкил этди.

Яна бир қизқарли жиҳат шуки, айрим фермер хўжаликлари фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасдан, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда. Масалан, Самарқанд туманидаги "Истиклол шуъласи" фермер хўжалиги қошида шу йилнинг апрелидан бошлаб Хитой технологияси асосида шифер тайёрланмоқда.

— Вилоятда 2009-2010 йилларда бош режа ҳамда намунавий лойиҳалар асосида 740 дан зиёд турар-жой бинола-



ри қурилиши учун дастлабки амалий ишлар бошлаб юборил-

ди. Жумладан, Пастдарғом, Пахтачи ва Жомбой туманларида айни пайтда 60 та намунавий лойиҳалар асосида янги посёлкалар барпо этилди, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳаёт Бағиров. — Уй-жойлар демографик хусусият, иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилди.

Кўргазма исбот этганидек, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш учун барча имкониятлар етарли. Энди навбат амалий ишларга.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

### ОБУНА - 2010



## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик қарточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: "Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144 "Hayot" — 145

**Qishloq hayoti**  
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа бахддор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезакадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагромуҳит", "Ўзвиробкорлик", "Ўзбекистонга", "Ўзқишлоқхўжаликмашизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромуҳитсервис", "Ўзгўштусаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази



Навоий Вилояти

# ЯНГИ УЙ — ҚИШЛОҚКА ЯНГИ ЧИРОЙ

**Н**авоийликлар учун бу йил ҳар бир соҳада эришилган, янгиликлар йили бўлди десак, янглишмаймиз. Янгиликлар аввало вилоятнинг қишлоқларидан бошланди. Кармана туманидаги Фарҳод маҳалласи оқсоқоли Иброҳим Файзиев кейинги пайтда амалга оширилган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳақида жўшиб сўзлайди. Кўз олдимизда янги уйлар, спорт ва болалар ўйин майдончалари...

— Ҳаммаси янгидан таъмирланди, — дейди Иброҳим ака. — Маҳалламизда икки ярим минг нафардан зиёд киши истиқомат қилади. Замонавий дизайн, чиройли такрорланмайдиган уйлар дунёга келди.

"Қизилқумцемент", "Навоий иссиқлик станцияси" ва "Навоийазот" акциядорлик жамиятлари, "Кармана ичимлик суви" корхонаси, Навоий шаҳридаги 23-автокорхона жамоаси, "Навоий-Шамс" фирмаси мадади билан бу маҳаллада 16 та уй, 50 та коттеж қайтадан таъмирланди. Иброҳим аканинг таъкидлашича, ана шу ишларнинг ҳаммасига ҳозирча 700 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Карманан Жалойир қишлоғи билан боғловчи йўлнинг асосий қисми капитал таъмирдан чиқарилди. Йўл четидан гулзорлар барпо этилди. Бу йўл қурилишига 551 миллион сўм сарфланди. Карма-

на тумани йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш давлат корхонаси йилда кўзда тутилган таъмирлаш ишларини олиб борди. Айни шу дамда карманлик йўлчилар Навоий шаҳрини Кармана шаҳри билан боғлайдиган "Умид" кўрғонидagi Махмуд Торобий кўчасидаги катта йўлни бунёд этмоқдалар. Бу кўчада Истиклолимиз туфайли янги уй-жойлар барпо этилди. Навоий давлат педагогика институти, Навоий спорт коллежи,



Қашқадарё Вилояти



Навоий компьютер технологиялари лицейи бинолари қад ростлади.

Кувонарлиси, бу каби ўзгаришлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янада кенг қулоқ ёймоқда. Бу, албатта, бежизга эмас. Эеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қишлоқ тараққиёти тўғрисида чора-тадбирлар оқибатда турмушимиз янада фаровон бўлади. "Қишлоқ қурилиш банк" очки акциядорлик тижорат банки ҳозирда чек-

ка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёш оилалар, кўп болали хонадонларга имтиёзли кредитлар ажратиш, замонавий турар-жойлар қурилиши режалаштирмоқда.

— Вилоятимизда Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бўйича 3 та намунавий қишлоқ аҳоли пункти барпо этиш учун 18,3 гектар ер майдони танлаб олинган бўлиб, Кармана, Қизилтепа ва Нурота туманларида йил охиригача 60 та турар-жой биноси барпо этилади, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси вилоят бўлими директори Исломбек Саидов. — Ҳозирги кунда намунавий лойиҳалар бўйича қурилатган уй-жойларга 3 та пудрат ташкилоти жалб этилган бўлиб, лойиҳанинг 25 фоизлик олдиндан тўлови амалга оширилди.

Қизилтепа туманида қурилиш мулкдорлигини "Маликбод" қишлоқ аҳоли пункти қурилиши учун Тошкент-Ашхобод йўли ёқасидан ер ажратилди. Лойиҳада озик-овқат ва ноозик-овқат дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ўйингоҳи ва тикувчилик цехини жамлаган маҳалла гузари, 20 та бир қаватли уй қуриш кўзда тутилган.

Вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йўлға конструкториялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда ҳудудда бўлаётган қурилишнинг индустриал ва йўлға технологияларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Йил дастури доирасида Томди туманида "Ақтау Пром Инвест" шўъба корхонасида оҳак ва керамзит ишлаб чиқариш, Хатирчи туманидаги "Сифатли гишт усталари" ва Қизилтепа туманидаги "Бу-



недкор гиштчи" корхоналарида гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кармана туманида эса "Кармана гипсокартон" қўшма корхонаси ҳамда "Боржо Қизилқум" МЧЖ шифер ишлаб чиқарадиган корхонаси янги технологиялар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқармоқда.

Бахриддин САДРИДДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Азамат ЗАРИПОВ, журналист.

ҲУКУК

**Б**угунги кун аввал қабул қилинган қонунларни янада такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган "Маданий мерос объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунига бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганлиги ҳам шундан далолат беради.

## МАДАНИЙ МЕРОС — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Улар Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 2 апрелда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланди. Жумладан, ушбу қонуннинг 3-моддасига ансамбллар, диққатга сазовор жойлар, ёдгорликлар, маданий мерос объектлари каби тушунчалар юридик ва ҳаётий аҳамияти инобатга олиниб киритилди. 4-модда "Маданий мерос", "Моддий маданий мерос" деган сўзлар билан тўлдирилиши ҳам қонундаги ушбу тушунчаларнинг кенг маъносини очиб беради. Қонуннинг 6-моддасига ўзгариш киритилиб, "Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва моддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тартибини белгилайди", дея талқин этилиши "Давлат кадастри", "Ер кадастри тўғрисида"ги қонунлар талабларини мустаҳкамлайди.

Ушбу қонуннинг 7-моддасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш, илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш, консервациялаш, таъмирлаш ҳамда ҳозирги замонада фойдаланишга мослаштириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари қайд этилганлиги унинг мазмун-моҳиятини мустаҳкамлайди. 10-модданинг иккинчи қисмида, яъни 9-бандда маданий мерос объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши масаласи ифода этилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Қонуннинг 15-моддасида маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси масаласи кўрсатилганлиги Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза" тўғрисидаги қонуни талаблари амалга оширилишига хизмат қилади. Мазкур қонуннинг 19-моддасида "Маданий мерос объектларини Умулжаҳон маданий мерос рўйхатига, Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш" билан боғлиқ масалалар қамраб олинганлиги бу ҳужжат халқаро ҳуқуқ нормаси талаблари даражасида эканлигини кўрсатади.

Киритилган ўзгаришлар қаторида 21-моддада кўрсатилган "Йўқотилган маданий мерос объектларини асли ҳолига келтириш" билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу объектларни экологик тиклаш ва муҳофаза қилиш талабларини ўзида ифода этади.

Қўлгина моддаларда "Маданий мерос" деган сўзлар анча кенг тушулган бўлган "Моддий маданий мерос" деган атамалар билан алмаштирилиши бу қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг талқин қилиш имконини беради. Қонунда маданий мерос объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши бўйича фойдаланиш молиялаштириш, ҳодимлари моддий рағбатлантириш учун сарфлагани мумкин бўлган маблағлар манбалари ҳам кўрсатилганлиги ушбу муаммо билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маданий мерос бу ҳудуд кенг тушулган бўлиб, у юртимизнинг археологик ва мейморий обидалари, музейларга сақланган бўлиб турдиги ноёб топилмалар, қадимий китоблар ва бошқа манбалар ҳамда қўлэмаларни ўзида мужжасам этади. Унга дахлдор қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганлиги халқимизнинг бебаҳо мулки бўлган, бетакрор тарихимиз сир-синоатини ўзида кенг мужжасам этган миллатимизнинг маданий меросини кўз қорачиғидек сақлаш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ, ТДЮИ "Экология ва қишлоқ ҳўжалик ҳуқуқи" кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор.

Қашқадарё Вилояти

**Б**озорлар мамлакат ободлиги, юрт бойлиги, эл фаровонлиги рамзидир. Пештахталарда териб қўйилган хилма-хил мевалар дилинғизни хушнуд этади. Фаровонликнинг боиси мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори истрёмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдирish, қишлоқ жойларда замонавий техника ва технология асосида жиҳозланган корхоналарни жадал барпо этиш, иш жойларини шакллантириб, ишловчилар даромади ва фаровонлигини оширишга қаратилган.

## ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТЛАР — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Қашқадарё вилоятида ҳам ушбу қарор ижроси бўйича самарали ишлар қилинди. Дастур асосида жорий йил ҳосили учун 28,4 минг гектар, жумладан, сабзавот 14,7 минг гектар, картошка 8,4 минг гектар ва полиз учун 5,3 минг гектар унумдор ерлар ажратилди. Ҳўжалик ва фермерлар бу соҳадаги ўз имкониятларини қайта кўриб чиқишлари натижасида экин майдонлари бир қадар кенгайтирилди. Аҳоли, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини зарур воситалар билан таъминланди. Уларга ҳар томонлама қўлайлик яратиб бериш мақсадига 105 та ихтисослаштирилган дўконлар ташкил этилди. Шунингдек, 230 та тадбиркор аҳолини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, эртаги кўчат етказиб беришни йўлга қўйиш мақсадига иссиқхоналар қуришди. Уларга энгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун 3820 миллион сўм, жумладан, 1686 миллион сўм банк кредити ажратилди. Бугунга қадар уларнинг меҳнати туфайли 74,7 минг тонна картошка, 242,6 минг тонна сабзавот, 72,9 минг тонна полиз, 58,6 минг тонна узум маҳсулотлари етиштирилди. Кувончли томони, шу маҳсулотларнинг 6 минг тоннаси экспорт қилинди.

Қарор шарофати билан паррандачилик, асаларчилик, балиқчилик каби соҳаларни ривожлантиришга ҳам кенг йўл очилди: ҳар бир туманда 2-3 тадан ёки 29 та паррандачилик фермалари ташкил этилиб, 170 минг бош парранда парвариш қилинмоқда. Бундан ташқари 424 та кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлар томонидан паррандачилик ҳўжаликлари фаолият бошлади. 125 та асаларчилик, 38 та балиқчилик субъектларида ҳам ишлар шаклланиб олди. Бу уч соҳага тижорат банклари томонидан 3298 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди ва 400 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Жорий йилда 12,5 минг гектар майдонга ноънанавий экинлар, шундан 10 минг гектар майдонга махсар ҳамда 2,5 минг гектарга қунгабоқар экилди ва 11,8 минг тонна ҳосил йиғиштирилиб, 2,8 минг тонна ўсимлик ёғи тайёрлаш кўзда тутилган.

Шу пайтгача гишт ва сутни қайта ишлайдиган 40 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб келганди, ўтган ойларида яна 17 та юридик макомга эга бўлган маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналар ташкил топди. Уларнинг 24 таси хорижий технологияларни жорий этган ҳолда гиштни, 13 таси эса сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган, 9 та сутни қабул қилиш сервис пунктлари қурилиб, 80 та янги иш ўринлари яратилди. Ушбу мақсадлар учун 528 миллион сўм, жумладан, 110 миллион сўм банк кредити сарфланди. Уларга 2012 йилнинг январига қадар қатор имтиёзлар берилганлиги соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга имкон беради.

"Мевасабзавоттайёрловсад"о" ихтисослашган компаниялари ягона солиқ тўловидан озод этилиб, бўшаган маблағлар компаниянинг айланма маблағларини тўлдирishга, мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш объектларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга имкон беради. Асосий фаолият тури бўйича гишт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашадиган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қайтариш эса бўшайдиган маблағларини ишлаб чиқариш корхоналарини техниквий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва маҳсулларини жиҳозлаш, маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шунингдек ҳомашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилади.

Хуллас, бу муҳим қарор вилоятда озик-овқат маҳсулотларини етиштиришни тубдан қўлайитириш, жумладан, сабзавот, картошка маҳсулотларини ҳақмини ўтган йилга нисбатан 108 фоизга, полиз маҳсулотларини 121 фоизга, мева тайёрлашни 107 фоизга, узумни 157 фоизга ёки 55 минг тоннага қўлайитириш имконини беради.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Наманган Вилояти

## АДИР ШАРОИТИДА ОМИЛКОРЛИК БИЛАН



Самарқанд Вилояти

**Я**нгиқўрғон туманидаги "Гофур ота" фермер ҳўжалиги экин майдонларининг асосий қисми қир-адирларда жойлашган. Бундай ерда деҳқончилик қилишнинг ўзига ҳос мураккаб томонлари бор. Лекин омилкор раҳбар Акмалжон Ҳасанов етказилишдаги фермер ҳўжалиги аъзолари барча эканлардан мўл ҳосил олишмоқда.

— Жорий йилда давлат эктиёжи учун 112 тонна бугдой сотдик, — дейди фермер. — Келгуси йил галла ҳосили учун эса 49 гектар майдонга бугдойнинг "Чиллаки", "Таня" навларини эқдик. Айни пайтда бехато ўндириб олинган галла майсаларини парваришляяптим.

Фермер ҳўжалигида бошқоқ дон экинларидан ташқари богдорчилик, узумчилик ва пиллачиликка алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилдан эса чорвачиликни ривожлантириш режалаштирилган. Бу ўз навбатида фермер ҳўжалиги аъзоларининг моддий ва маънавий жиҳатдан манфаатдорлигини янада кўтарилишига хизмат қилади.

**СУРАТДА:** Фермер Акмалжон Ҳасанов ҳўжалик аъзолари билан кузги бугдой ривожини кўздан кечирмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

Самарқанд Вилояти

## ИЗЛАШДИ, ИМКОН ТОПИШДИ

**И**стиклол шарофати билан Ҳукум Алиқуловга мулкдорлик насиб қилди. — Президентимизнинг богдорчиликни ривожлантиришга қаратилган қарорлари асосида 2005 йилда Урганч туманида Ҳукумов Миржалол порлоқ замини" фермер ҳўжалигини ташкил этдик, — дейди Ҳукум Алиқулов.

Асли касби тракторчи бўлган фермерни ҳамқишлоқлари суяги меҳнатда қўтган инсон сифатида билишди.

— Агротехник тадбирлар айни қизғин пайтлари кўпчилиги тракторчиларнинг трактори таъмирталаб бўлиб қолади, — дейди фермер ҳўжалиги аъзоси Баҳождиржон. — Бирок Ҳукум аканинг трактори мавсум вақтида бирон марта тўхтаган эмас. Доимо гихинглаган

гектар боғни олди. Уни агротехник қоидалар асосида парваришляди. Боғни кенгайтириш мақсадига олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Баҳорда икки гектар майдонга олма, ўрик, шафтоли кўчатлари, уч гектардан ортиқ майдонга эса санавотбп узум қаламчаларини экиш мўлжалланмоқда. Чунки узумчиликдаги сый-харакатлар ўз мевасини бера бошлады. Бу йилги узум топириш режаси уудаланди.

"Ҳукумов Миржалол порлоқ замини" фермер ҳўжалигида узумчиликдан ташқари галла, тамак ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда.

— Эрта баҳордан об-ҳавонинг серёғин келиши

Пахтачилик истиқболи

## СЕЛЕКЦИОНЕР ЗАҲМАТИ

**С**елекционерлик — навшунослик ёқодий ёндашишни, заҳматли меҳнатни талаб этади. Хусусан, гўза селекцияси соҳасини олиб кўрайлик. Бугунги кунда республикамиз далаларида қўллаб гўза нави экилади. Уларнинг асоси ўрта талали, ҳосилдор G.hirtutum L туридир. У икки ёввойи гўзани ўзаро табиий дургайлаш натижасида пайдо бўлган, икки турнинг генетик имкониятларини ўз ичига олган.

Энди мушоҳада қилиб кўринг, ҳўш, ундан бошқа гўза навини яратиш учун қанчалик чуқур билим, узок изланиш, тажриба ва синовлар керак. Яна бир жиҳат шундаки, бир нави тайёрлаш, уни жорий этишга 10-15 йил мўддат зарур. Бу эса сабуру тоқат, мукамал илм ва матонатли иродани талаб этади.

Республикамиз иклими, тупроқ шароитига мўл навларни яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Амалётига жорий этилган нав тезпишар, ҳосилдор, толеси жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган, қаллали ва зараркунчаларга чидамли, шўрқоқ ёрларга мўл, сув танқислигига бардошқоқ бўлиши зарур. Бундан кўрнанадики, мамлакатимиз навшунослари олдидаги вазифанинг аҳамияти нақадар муҳим.

Ана шундай масъуляти, машаққатли, айни пайтда шарофли ишни олиб бораётган селекционер олим-

ларимиздан бири, Ўзбекистон Фанлар академиясини Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти катта илмий ходими Дамир Анаваров Аккужиндир. Олим ўзининг кирқ йиллик навшунослик фаолиятида баррақали ишларни қилди. У яратган "АН-510", "АН-512", "АН-513", "АН-514", "АН-515", "АН-516", "АН-517" навларининг аксарияти истиқболли деб топилган. Баъзилари эса Давлат дав синаш шохобчаларида, илмий-тадқиқот институтиларининг тажриба далаларида синовлдан ўтмоқда.

Яқиндагина бўлиб ўтган V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўзбек пахтасининг харидорчилигини намойиш этди. Унда хориқлик харидорлар тала сифатининг юқорилиги, оқлик даражаси, пишиқлигига асосий эътибор қаратишди. Ана шу жиҳатларни ўзида жам этишда толаннинг нави муҳим роль ўйнайди. Дейлик, тола сифатли бўли-

ши учун ҳосил, аввало ёғин-сонинга қолмасдан йиғиштириб олиниши керак. Бунинг учун эса навадан тезпишарлик талаб этилади. Олим янги нав устида ишлаётганда ана шундай жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда олим томонидан олинган гўзанинг "АН-513" нави Хонразм вилоятининг Хива, Шовот, Хонразм туманларида қўлайитирилмоқда. Маълумки, ушбу минтақа энг юқори шимолуий ҳудуд бўлса ҳам Маъмур Академиясининг тажриба далаларида да гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш имкони бўлди.

Ҳар бир навининг ўзига ҳос ҳислатлари бўлади. Хусусан, 2008 йилда истиқболли деб топилган "АН-514" нави Фарғона вилояти Учкўприк туманида 500 гектар майдонга экилиб, ҳосилдор-

Қорақалпоғистон Республикаси

**К**ўнирот туманида амалдаги йилнинг ўтган даврида 2 минг янги иш ўринлари барпо қилинди. Булар асосан корхоналар, фермер ҳўжаликлари, ободонлаштириш, паррандачилик, қурилиш соҳаларига тўғри келди. Айниқса, қасаначиликка кенг йўл очиб берилган 274 нафр фарзандлар тарбияси ва уй ишлари билан банд бўлган аёлларнинг ҳеч оилода бароқали меҳнат қилишларига имконият яратди.

Фермер ҳўжалиги аъзолари билан суҳбатлашганимизда улар "Республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратиш эътибор, ғамхўрлик бизни янада ғайрат-шижоват билан ишлашга қорлади. Ишласак ўзимиз учун, хонадонимизнинг тўқин-сочинлиги, фаровонлиги учун, фарзандларимизнинг келажаги бўлган шу юрт учун ишлаймиш. Ерга меҳр қўйган, ерни тўйдирган инсон кам бўлмас экан", деб жавоб беришди.

Муфтилло ЮСУПОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Янги иш ўринлари

Бўш иш ўринларига талабдорларни жалб қилишда туман Бандликка кўмаклашувчи марказ фаолияти таҳсинга лойиқ бўляпти. Жамонати сый-харакатлари билан 6 та бўш иш ўринлари ярмаркаларни ташкиллайтирилди. Унда 209 та ташкилот, муассаса ва корхоналар 700 та бўш иш ўринлари билан фаол иштирок қилди. Натижада 500 нафр ёшлар, айниқса, қасб-хўнар коллежларини, олий ўқув юр்தларини битказган йигит-қизлар ўзлари хоҳлаган иш билан таъминланди.

Умуман, Оролбўйи ҳудудидagi овул, шаҳарларда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 50 мингга яқин иш ўринларини барпо қилиш режалаштирилган. Аҳолини мақбул хизмат жойларига йўналтиришга эса Нукус, Тахياتош шаҳарлари ҳамда 14 та тумандаги ҳокимликлар, прокуратура, Бандликка кўмаклашувчи марказлари фаоллик кўрсатмоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

СУРАТДА: Селекционер олим Дамир Аккужин.

Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Бу хикматда халкимиз донишмандлиги мужассам. Аллоҳдан сўрасанг, яхши ниятингга яраша, албатта яхшиликка муяссар бўласан. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида "Кўёш юрти" деган бир дoston ёзган эдим. Дoston 1982 йил "Шарқ юлдузи" журналининг 6-сонида, сўнгрок эса алоҳида китобча шаклида нашр этилди.

кат қилганман. Бу факт дoston эълон қилингандан кейин шакколик сифатида кўпларни хайратга солган, журнал уни босиб чиқаришга қандай журъат этди экан, қабилдаги гап-сўзлар ҳам бўлган. Хай, майли, бу алоҳида мавзу... Лекин дostonдаги асосий мuddао — тўйга тезроқ етиб бориш, дўстлар билан дийдорлашув завқи, табрик навбати етганда келини ва кўёш шайнига айтадиган гапларимни хаёлан тартибга солиб олиш эди.

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

манзаралар худди минг бир кеча эртакларидагидай кўз ўнгимда намоён бўлиб турганлигини кўриб, бошим осмонга етди. Кенг, кўркам, чароғон кўчалар, замонавий автобекатлар, кўм-кўк стадион ва спорт иншоотлари, тўйхона, мактабу шифона, обод ховли-жойлар, қувурларда келтирилган тоза ичимлик суви ва фавворалар, хонадонлардаги зангори олов... Ҳаммадан аълоси одамлар чехрасидаги, руҳиятидаги, маънавиятидаги мислсиз ўзгаришлар. Бу — Пўлати қишлоғимнинг бугунги қиёфаси! Йўқ, янглишдим, қишлоқ эмас шахарча! Бу манзилга кирaverишда катта-катта ҳарфлар билан: "Пўлати шаҳарчасига хуш келибсиз!" деб ёзиб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Ҳақиқий жонқурлик, умумхалқ ҳашари, чин кўнгилдан, қўл ва ақл қуввати билан бунёд этилган ажойиб яратувчиликнинг бош ижодкорлари — қишлоқ ахли, менинг жонажон ҳамқишлоқларим бўлмиш ғайратли ёшлар, нуруний оқсоқоллар, ҳимматли ҳомиёлар, қўли гул устalar.

Бугунги Пўлати — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросининг ёрқин бир намоиши. Хаёлни ҳаётга татбиқ этаётган буюк Истиклол шарофатидан, Юртбошимиз олға сураётган эл фаровонлигига оид ғоялар амалининг бир намунаи олийидир. Пўлатининг бугунги чиройи ҳақиқатга айланган хаёлниинг жонли намоиши.

# Орзуларнинг ушалиши

Асар инсоннинг ўз-ўзини англаш жараёнига бағишланган бўлиб, мен унда ёшлигимни кўмсаб, дўсту қариндошларни йўқлаб, бир тўй баҳонасида туғилган элим Қашқадарёга — Қарши қўллари бағрида жойлашган қишлоғимга кучли соғинч ва интилиш ҳисси билан бораётганлигимни йўл образи орқали ифода этгандим. Дostonнинг асосий йўналиши, гоёси — йўл, яъни УМР йўли тасвирига сингдирилган ифтихор тўйгуси бўлиб, хотиралар, хайллар, ҳаётий мулоҳазалар орқали дийримиз гўзаллигини тараннум этиш асосий мuddао эди. Бунда Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари худудидagi манзиллардан, Бахмал, Ургут, Шахрисабз каби беҳиштий маконлар, тоғлару дарёлар, Қарши қўлининг баҳорий манзараларидан ўтиб, улардан тўлкин-

ланиб, шеърят муҳлисларига қалбим мавжларини изхор этган эдим. Асарда тасвирланишича, Жиззах сарҳадидаги тоғлар дарасида жойлашган машҳур Темур дарвозасига етганда ҳаво бирдан кескин ўзгаради, шаророс жала қўйиб, гулдираклар гўмбирлаб, чакмоқлар чақади. Йўл четидagi пана жойда тўхтаб турганимизда бир лаҳза хаёли элтиб, дарани гўё жангтоғлар сурони қоплаб олади. Сон-саноксиз лашкар бошида бораётган улўқ Соҳибқирон назари тўсатдан менга тушади ва каминанга қарата ғазабли, тазнавор, аччиқ сўзларни айтади. Мен дилимдагиларни ул зотга айтишга журъат этганим — тўмтоқ саволу жавобимни асар мазмунига сингдиришга хара-

Дostonда ёзилгани бўйича мен бир неча соатдан сўнг чироқлардан мунаввар тўй даврасида бўлишимни ўйлаб, у ердаги қувончларим, дўстлар билан бўладиган ҳазил-хузўларим хусусида фикрлар эдим. Хуллас хаёлимдан кўп нарсаларни ўтказар эдим. Шунингдек, асарда шу хаёлар оғушида бўлиб қишлоққа замонавийлик бахш этган гўзал манзаранинг тасвири берилганди. Бу жойларни яхши билган одам "Мақташ ҳам эви билан-да", дейиши тайин эди. Ва бундай таъналарни кейинчалик эшитганман ҳам. Лекин... лекин... Яхши ният яхши экан-да. Яқинда қишлоғимга бориб, бундан ўттиз йил муқаддам тасвирлаганимдан минг чандон ортиқроқ

## Қишлоқ тараққиёти — эл фаровонлиги тимсоли



# СПОРТ

## МАРАТ САФИН ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАДИ

Россиялик машҳур теннисчи Марат Сафин фаолиятидаги сўнгги расмий учрашувини мағлубият билан яқунлади.



## ҚАРШИДАН ДАСТАБКИ ХУШҲАБАР

Қарши шахрида кўл жанги бўйича Осие чемпиони давом этмоқда.

Парижда давом этаётган "Мастерс" халқаро теннис турнирида Марат Сафин иккинчи давра бахсларида аргентиналик теннисчи Хуан Мартин дель Потрога 4:6; 7:5; 4:6 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бундан аввал Сафин Париждаги турнирдан сўнг фаолиятини яқунлаши ҳақида айтиб ўтган эди.

Беллашуварни кўтаринки рўҳда ўтказган 76 килограмм вазн тоифасидаги профессионал спортчилар баҳсида голиб ва совриндорлар номи аниқланди. Шухрат Минаворов (Ўзбекистон) — Сайрез Вашингтон (АҚШ) ўртасидаги ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртимиз галаба қозониб, олтин камар соҳиби бўлди. Бошқа вазндаги голиблар номи 14 ноябрь кuni маълум бўлади.

## ҲЕЧДАН КЎРА КЕЧ...

Англиялик таниқли ҳакам Грем Полл 2001 йил 1 сентябрь кuni Любляна шахрида 2002 йилги жаҳон чемпионатида чиқиб учун бўлиб ўтган Словения-Россия ўйинида Россия терма жамоаси дарвозасига белгиланган 11 метрлик жарима тўпи хато бўлганини тан олди. У бунинг учун россиялик футбол муҳлисларидан кечирим сўради.



Уша ўйиннинг сўнгги дақиқаларида ҳакам Россия терма жамоаси дарвозасига 11 метрлик жарима тўпи белгиланган эди. Бу имкониятдан унумли фойдаланган словенияликлар 2:1 ҳисобидаги галабани қўлга киритишганди. Ўйиндан сўнг видео ёзувларни қайта кўриб чиққан ҳакам хато қилганини тўшунган. Тасодифни қарангки, 2010 йилги жаҳон чемпионатида қишқ учун жорий йилнинг 14 ҳамда 18 ноябрь кунлари Россия ва Словения жамоалари ўзаро баҳс олиб боришади. Ўйлаймизки, бу сафар ҳакамлар хатога йўл қўйишмайди. Эслатиб ўтамиз, Грем Полл 2007 йилда ҳакамлик фаолиятини яқунлаган.

Азиз НУРУЛЛАЕВ тайёрлади.

## МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

- Лот-1:** Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ҳазратлар шаҳридаги "Иқтисодий ва хизмат кўрсатиш" йўналишидаги касб-хўнар коллежига 50 ўринлик ётоқхона қурилиши. Буортмачи бошланғич нархи — ҚҚС билан 296 158 170 сўм. Қурилиш мuddати — 5 ой.
- Лот-2:** Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани марказидаги "Хизмат кўрсатиш ва энергетика" йўналишидаги касб-хўнар коллежига 50 ўринлик ётоқхона қурилиши. Буортмачи бошланғич нархи — ҚҚС билан 304 842 080 сўм. Қурилиш мuddати — 5 ой.
- Лот-3:** Тошкент вилояти, Юкори Чирчиқ туманидаги "Педагогика" йўналишидаги касб-хўнар коллежига 50 ўринлик ётоқхона қурилиши. Буортмачи бошланғич нархи — ҚҚС билан 298 999 750 сўм. Қурилиш мuddати — 5 ой.

- Лот-1:** Тошкент вилояти, Қарши шаҳридаги "Тиббиёт" йўналишидаги касб-хўнар коллежининг 250 ўринлик ётоқхонасини реконструкция қилиши. Буортмачи бошланғич нархи — ҚҚС билан 149 500 000 сўм. Қурилиш мuddати — 4 ой.
- Лот-2:** Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳридаги "Тиббиёт" йўналишидаги касб-хўнар коллежининг 250 ўринлик ётоқхонасини реконструкция қилиши. Буортмачи бошланғич нархи — ҚҚС билан 499 500 000 сўм. Қурилиш мuddати — 5 ой.
- Лот-3:** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги "Саноат ва иқтисодий" йўналишидаги касб-хўнар коллежининг 100 ўринлик ётоқхонасини реконструкция қилиши. Буортмачи бошланғич нархи — ҚҚС билан 241 000 000 сўм. Қурилиш мuddати — 4 ой.

қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишлари бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер тақлифлари иштирокчиларнинг тендер тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўлдан ҳолда ҳисобланади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти ҳокимлигининг "Тошкентсалтингстройторг" давлат корхонасига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

### СОТИБ ОЛИБ, УЗУМЗОР СОҲИВИ БЎЛИНГ!

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги умумий майдони 15 гектар бўлган, элита навли узум етиштириладиган тоқзор сотилади.

Тел.: (8-371) 293-01-85

ООО "AZIA GRAND PRODUCT" (ИНН 300931677) уведомляет всех заинтересованных лиц об уменьшении Уставного фонда с 32 135 068,34 сўм до 31 205 068,34 сўм.

### МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қўйидаги объектларга танлов савдоси эълон қилади

- Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент кишлоғида "Педагогика ва иқтисодий, милли хўнармандчилик" йўналишидаги 405 ўқувчи ўринли касб-хўнар коллежи қурилиши. Буортмачининг бошланғич нархи — қўшилган қиймат солиғи билан 2 050 629,910 сўм. Қурилиш мuddати — 2010 йил 1 август кунига қадар.
- Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Соилик кишлоғида "Туризм ва сервис" йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-хўнар коллежи қурилиши. Буортмачининг бошланғич нархи — қўшилган қиймат солиғи билан 2 210 316,441 сўм. Қурилиш мuddати — 2010 йил 1 август кунига қадар.
- Тошкент вилояти, Оқангарон тумани, Четсув кишлоғида "Қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий" йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-хўнар коллежи қурилиши. Буортмачининг бошланғич нархи — қўшилган қиймат солиғи билан 2 320 157,843 сўм. Қурилиш мuddати — 2010 йил 1 август кунига қадар.
- Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Кўчлик кишлоғида "Дизайн ва сервис" йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-хўнар коллежи қурилиши. Буортмачининг бошланғич нархи — қўшилган қиймат солиғи билан 2 388 895,807 сўм. Қурилиш мuddати — 2010 йил 1 август кунига қадар.

КУРИЛИШ ИШЛАРИ: Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. САВДО ТАШКИЛОТЧИСИ: Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошкентсалтингстройторг" давлат корхонаси. БУОУРТМАЧИ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри Мовароуннахр кўчаси 19-уй.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: уллар танлов савдосидаги предметни қийматининг камиди 20 физики микдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида иштирок этувчи маҳаллий ва хоржий кўришчи ташкилотлари танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий судраччилик қўйидаги баҳолаш имтиёзлари қўлда тутилган: иштирокчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириши мақсадида қонун ҳужжатларига муво-

Утвержденные свидетельства, выданный инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского р-на г.Ташкента № 1516 от 10.09.2001 г. и оригинал Устава ООО "ТЕХНО-АЛ" (ИНН 203696567), считать недействительным.

# "ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА

Автосалон: Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118. Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22. Офис: Тошкент ш., 100015, Шахрисабз кўч. 16 "а"/ Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЫЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2004 йили Билмугов Виктор Владимировичга ўзини ўз фаолиятини тугатиши. Давласор эълон чоп этилган қўлда бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 283-23-53.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2004 йили Билмугов Виктор Владимировичга ўзини ўз фаолиятини тугатиши. Давласор эълон чоп этилган қўлда бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 283-23-53.

Утерный оригинал Устава ООО "ATLAS FARM" (ИНН 202775374) С.Рахимовского р-на г.Ташкента, считать недействительным.

<b>Бош муҳаррир</b> Чори ЛАТИПОВ	<b>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ</b> Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимбек БҮРИЕВ, Ҳулумжон ИБРАГИМОВ, Санд АРАБОВ, Саидман СAIДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Зийвуддин ОБИДОВ, Ҳақимжон УМАРХУГАЕВ.	<b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Алғай АДИЛОВ, Гоғир АЛИЕВ, Тўлабой КАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ, Ултам БАРНОЕВ, Уткир РАҲИМАТ, Қомилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Хибби ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Окмолду ЮНУСОВ, Шераз ҲУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Копибет — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. <b>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Коркалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 242-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 242-81-69; Ферғона — 223-35-99; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадар — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.	<b>Реклама ва эълонлар</b> 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жаобгар	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz	<b>Навбатчи:</b> АҚУЛМУРОДОВ Мусаҳҳиж; С.ҚОДИРОВ; Дизайнер: М.ШУКУРОВ
-------------------------------------	--	--	--	---	---	--